

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2008 йил 29 январь — 4 февраль № 4 (572)

Сешанба кунлари чиқади

Фармон ва Қарор ижроси йўлида

ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ВА МУСТАҲКАМ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Соғлиқни сақлаш тизимида ислохот жараёнларини амалга ошириш ва чуқурлаштириш, аҳоли эҳтиёжларига хизмат қиладиган замонавий турдаги даволаш муассасаларини барпо этиш, таркибий тузилмасини ўзгартириш ва янгилаш сингари устувор йўналишлар муайян мақсадлар доирасида жорий этиб келинмоқда. Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳозирги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча мутасадди раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ вилоят тиббиёт муассасаларида бўлишиб, Фармон ва Қарор ижросининг ўрганилиш татбиқи, янги тузилмавий жараёнларни амалиётда қўллаш, жорий этиш сингари фаолиятларга савол-жавоб тарзида ойдинлик киритдилар.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли Қарорига асосан туман марказий шифохоналарини туман тиббиёт бирлашмасига айлантириш хусусидаги маҳаллий ҳокимликларнинг Қарори қачондан бошлаб ишлаб чиқилиши керак?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-700-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимликлар қарорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан белгиланган муддатларда ишлаб чиқилиши лозим. Туман марказий шифохонасини бирлашмага айлантириш тўғрисидаги маҳаллий ҳокимликлар қарори туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари тўғрисидаги Низом тасдиқлангандан сўнг ишлаб чиқилади.

Савол: Янги ном олган ёки юридик маком берилган тиббиёт муассасалари Низоми қачон ва қай тартибда ишлаб чиқилади? Бундан ташқари, маҳаллий солиқ ва статистика органлари, ҳокимликлардан

(Давоми 2-бетда).

МЕДИЦИНСКИЙ КАЛЕНДАРЬ

- 24 марта — Всемирный день борьбы с туберкулезом
- 7 апреля — Всемирный день Здоровья
- 12 мая — Всемирный день медсестер
- 31 май — Всемирный день борьбы с курением
- 1 июня — Международный день защиты детей
- 14 июня — Всемирный день Донора
- 26 июня — Всемирный день борьбы с наркоманией
- 2-е воскресенье ноября — День медицинского работника
- 1 декабря — Всемирный день борьбы со СПИДом
- 3 декабря — Всемирный день инвалидов

Шошилич хизмат

ЮРАГИНГИЗНИ АСРАНГ!

У ҚАЛҚИБ ТУРГАН ТОМЧИДЕК НОЗИК ВА МУРАККАБ



— Юракни жуда ҳам эҳтиёт қилиш керак экан. Яқинда турмуш ўртоғим миокард инфарктига чалингач, оғир хасталикни бошидан кечирди. Яхшиямки, шифокорларнинг ўз вақтида кўрсатган шошилич ёрдами самарали натижа берди. Айни кунда навбатдаги даво муолажаларини шошилич кардиология бўлимида давом эттираямиз, — дейди бемор аҳолидан хабар олиб турган тошкентлик Анара Бекназарова.

Халқимизда юрак фаолиятини қалқиб турган томчига қийс-лашади. Бу албатта, бор ҳақиқат. Қандай шароит ёки кутилмаган ҳолат бўлмасин кишиларда юрак соҳасига бўлган мурожаат ва талаб, керак бўлса эҳтиёт кучи шунчалик ортиб

бораверади. Инсон организми ўта мураккаб ва жумбоқлики, уни ақл-идроқ, юксак маҳорат билан ечиш биров мушкулроқдек туюлади. Лекин тиббиёт илмининг чуқурлашуви, замонавий руҳнинг амалиётга кириб келиши, қолаверса илгор таж-

рибалар юқоридаги нозик мураккабликларнинг маълум маънода ечим топишига, даврнинг тезкорлиги эса бу масъулият янада оширилишига туртки бўлмоқда.

СУРАТДА: пойтахтимиздаги 17-шаҳар клиник шифохонасининг шошилич кардиология бўлими mudiri Юлдуз Уразбаева, тажрибали шифокорлардан Лола Саидахмедова, Нигора Очилова беморнинг юрак фаолияти тизимидаги умумий аҳолини кўздан кечиришмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Ҳайъат йиғилиши

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ДОИРАСИДА

Жорий йилнинг 25 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мажлислар залида вазирликнинг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров кириш сўзи билан очиб, республика тиббиёт тизимидаги маҳаллий ҳокимликларнинг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш йўлида олиб борилаётган фаолиятлар хусусида тўхталиб ўтди. Йиғилишнинг кун тартибидан

иккита масала кўрилди. Биринчи масала юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари Нодир Шарапов «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқлар ва келгусидаги режалар тўғрисида» маъруза қилиб, ислохотлар жараёнидаги самарали меҳнатлар тўғрисида гапириб, ўтган йилнинг сентябрь ва октябрь ойида Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорнинг амалдаги ижросини муваффақиятли давом эттириш муҳим эканлигини таъкидлади.

Иккинчи масала юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари Асомиддин Комилов сўзга чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002

йил 5 июлдаги 242-сонли «Оила-да тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида» (2002-2007 йилларда)ги мавзу бўйича тизимда амалга оширилган ижобий ишлар бўйича ўз фикрларини билдириб ўтди.

Йиғилиш давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров тизимда фаолият юритаётган кадрлар масаласига эътиборни қўнайтириш, бунинг баробарида эса, илмий салоҳият даражасини янада чуқурлаштиришга алоҳида урғу берди.

Йиғилиш сўнггида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА.

Фармон ва Қарор ижроси йўлида

ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ВА МУСТАҲКАМ
ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

рўйхатдан ўтиш, янги ҳисоб рақамини очиш ишлари қачондан йўлга қўйилади?

Жавоб: Тиббиёт муассасаларининг Низоми туман ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган, маҳаллий солиқ ва статистика органларида рўйхатдан ўтиш, янги ҳисоб рақамини очиш ишлари амалга оширилади.

Бунда туман (шаҳар) марказий касалхоналари ва туман (шаҳар) қўп тармоқли марказий поликлиникалари янги ташкил этилаётган ёки номи ўзгарган тақдирда ҳам туман ҳокимияти қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида рўйхатдан ўтказиладиган ёки Давлат реестрига ўзгартириш киритилади.

Савол: Ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтган тиббиёт муассасалари 2008 йил 1 январдан сўнг қандай тартибда иш олиб боради?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги 2107-сонли Фармонининг 1-бандига асосан бошқарма-бошқич ўзини-ўзи молиялаштиришга ўтказилган тиббиёт муассасалари 2008 йил 1 январдан бошлаб Соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан тасдиқланган пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмларида (фоиз ҳисобида) фаолият юритади.

Бунда имтиёзли беморларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш ҳажмлари, ушбу муассасага 2008 йилга ажратилган бюджет параметрларидан келиб чиқиб белгиланади.

Савол: Марказлашган бухгалтериялар тугатилиши муносабати билан 2007 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботлар ким томонидан жамланиб, тегишли органларга тақдим этилади? Кейинчалик тиббиёт муассасаларидан молиявий ҳисоботлар, сарф қилинган ва бюджет маблағлари харажатлари, унинг танқислиги ёки ортиқчилиги тўғрисида маълумот тўплаш ким томондан амалга оширилади?

Жавоб: Марказлашган бухгалтерия ходимлари томонидан тугатиш даврида қуйидаги ишлар бажарилади:

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 15 октябрдаги 459-сонли буйруғига биноан 2008 йил 1 январь ҳолатига ўтказилган инвентаризация натижаларидан келиб чиқиб, 2008 йил 5 февралга қадар муассасаларнинг харажатлар сметалари ижроси юзасидан 2007 йил учун йиллик баланс ва ҳисоботларни тузади;

(Давоми. Боши 1-бетда).

- 2008 йил 15 февралга қадар юридик шахс мақомини олаётган тиббиёт муассасалари бўйича йиллик ҳисоботлардан сўнг муассасалар учун бўлиниш балансларини тузади;

- 2008 йил 20 февралга қадар янги ташкил бўлган тиббиёт муассасалари молия бухгалтерия хизмати ташкил этилиши ва бухгалтерлар ҳамда иқтисодчилар билан (яъни тугатилаётган марказлашган бухгалтерияларда хизмат қилган, касбини чуқур эгаллаган ходимлар билан) таъминланган бўлиши лозим;

- бунда янги ташкил қилинган тиббиёт муассасалари ва юридик шахс мақомини олган муассасаларнинг раҳбарлари, молия бухгалтерия хизматининг маъсул ходимлари томонидан бўлиниш баланслари, барча олди-берди далолатномалар ҳамда бошқа ҳужжатларга тўлиқ имзолар қўйилиб расмийлаштирилгандан сўнг тугатиш ишлари якунланган ҳисобланади.

Молия органлари, тиббиёт муассасаларининг молия бухгалтерия хизмати ва Фазначилик бўлимлари ўртасидаги ўзаро вазифа ва мажбуриятлар 2007 йил 15 октябрдаги 06-2/276, 12-03-04/823, 1126-сонли Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари ва Фазначилик бошқармасининг қўшма буйруғида кўрсатиб берилган.

Савол: Янги тузилма бўйича Соғлиқни сақлаш бошқармаларида бош бухгалтер лавозими кўзда тутилмаган. 2008 йил 1 январдан бошлаб ойлик маошни ишлаб чиқиш, мавжуд асосий воситалар сақланиши назорати, банк, солиқ, пенсия жамғармалари, статистик ҳисоботларни топириш ва жамлаш ким томондан амалга оширилади? Иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи кимга берилади? Бошқармаларда иқтисодиёт бўлими фаолият юритадими?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-700-сонли Қарорининг 3, 4, 5-иловаларига асосан соғлиқни сақлаш бошқарув идоралари тузилмасида 2 кишидан иборат молия-иқтисод хизмати белгиланган, ушбу хизмат таркибида битта бош бухгалтер ва бош иқтисодчи лавозими кўрсатишган.

2008 йил 1 январдан бошлаб бошқармалар, уларга бириктирилган (масалан: 2-сектор, техник хизмат ва бошқалар) муассасаларнинг (агар муассасада молия-бухгалтерлик хизматини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлмаган тақдирда) ойлик маошни ҳисоблаш, мавжуд асосий воситалар сақланиши назорати, банк, солиқ, пенсия жамғармалари, статистик ҳисоботларни

жамлаш ва тегишли органларга топириш ушбу мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Бошқармаларда молия ҳўжалик фаолиятини юрийтиш билан боғлиқ расмий ҳужжатларга иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи бош бухгалтерга юклатилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган тиббиёт муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 15 октябрдаги 459-сонли буйруғи билан тасдиқланган нормативлар асосида молия-бухгалтерлик хизматлари ташкил этилади ва ҳар бир юридик шахс мақомига эга бўлган тиббиёт муассасасида, албатта, бош бухгалтер лавозими киритилади.

Бош бухгалтер тиббиёт муассасаси раҳбарининг тегишли буйруғига асосан тайинланади. Кассир лавозими ҳам ҳар бир бухгалтерия штат жадвалида назарда тутилади.

Тиббиёт муассасалари штат жадвалидаги иқтисодчи лавозими Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1997 йил 10 ноябрдаги 06-1/650-сон билан тасдиқланган "Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг штат нормативлари"да белгиланган "Раҳбар ходимлар, мутахассислар, хизматчи ва ишчиларнинг намунавий штатлари"га (238-263-бетлар) асосан киритилади.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт муассасаларини бошқариш ва молиялаштириш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 217-сонли Қарорида "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича ҚВПларни молиялаштириш вилоят бюджети томонидан амалга оширилиши аниқ қилиб белгиланган ушбу Қарор ўз кучини йўқотганими? 2008 йил 1 январдан бошлаб молиялаштириш ким томондан амалга оширилади?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 17 октябрдаги 135-сонли буйруғига асосан 2008 йил 1 январдан бошлаб ҚВПларни молиялаштириш ҳудудий молия идораларида ташкил этилган соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш бўлимлари (шў'балари) томонидан амалга оширилади.

Бунда ҚВПларнинг харажатлар сметаси Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Молия бошқармалари томонидан аҳоли жон боши ҳисобидан ишлаб чиқилган харажат нормативлари асосида тасдиқланади.

Савол: "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида ҚВПларнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқиш, назорат қилиш, амалий ёрдам кўрсатиш, тўлов топириқномала-

рини тайёрлаш, ҳисоботлар тузиш, жамлаш, банк иши ва бошқаларни амалда бажариш учун 2 ставка иқтисодчи ва 2 ставка бухгалтер лавозими штат жадвалига киритилган эди, буларнинг фаолияти давом этадими? Кейинчалик бу ишларни ким бажаради?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт муассасаларини бошқариш ва молиялаштириш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 217-сонли Қарорига асосан "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича қишлоқ врачлик пунктларида молиявий менежер лавозими киритилади.

ҚВПларни харажатлар сметасини ишлаб чиқиш, назорат қилиш, амалий ёрдам кўрсатиш, тўлов топириқномаларини тайёрлаш, ҳисоботлар тузиш, жамлаш, банк иши каби вазифалар ўрнатилган тартибда менежерлар томонидан амалга оширилади.

Савол: Юридик мақом бериш ким томондан қайси тартибда ташкил этилади? Бу ҳусусда бирор-бир меъёрий ҳужжат ёки кўрсатма қайси юқори ташкилот органи томонидан берилади?

Жавоб: Тиббиёт муассасаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 20 декабрдаги "Тиббиёт муассасалари номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида"ги 566-сонли буйруғи асосида тасдиқланган номенклатура асосида ташкил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли Қарори асосида қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомда юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш тартиби берилган бўлиб, тиббиёт муассасаларига юридик шахс мақомини бериш учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланиб, рўйхатдан ўтказиш органларига тақдим қилинади.

Савол: 2008 йил 1 январдан юридик мақом берилган тиббиёт муассасаларига моддий қийматга эга бўлган товар, автомобиль, иморат, иншоотлар ва шунга ўхшаш қийматга дахлдор моддий бойликларни хатловдан ўтказиб, тузилган далолатномаларга асосан ҳисоб балансига бериладими ёки ўрганиб чиқиб қайта тақсимлаш лозим бўладими? Бу қачондан амалга оширилади?

Жавоб: Юридик мақомга эга бўлган тиббиёт муассасаларига моддий қийматга эга бўлган товар, автомобиль, иморат, иншоотлар ва шунга ўхшаш қий-

матга эга бўлган моддий бойликларни 2008 йил 1 январь ҳолатига хатловдан (инвентаризация) ўтказилиб, далолатномалар тузилади ҳамда уларнинг ҳисоб балансига ушбу ашёлар заруратидан келиб чиқиб, тузилган бўлиниш (разделительный) балансига асосан берилади.

Савол: Кадрлар бўлимидаги шахсий карточкалар юридик шахс мақом олган тиббиёт муассасаларига қачондан ва қайси тартибда топирилади? Бу 2008 йил 1 январдан амалга ошириладими ёки бошқа кўрсатма бериладими?

Жавоб: Юридик мақомга эга бўлган тиббиёт муассасаларига моддий қийматга тааллуқли товар, автомобиль, иморат, иншоотлар ва шунга ўхшаш моддий бойликларни 2008 йил 1 январь ҳолатига қўра хатловдан ўтказилиб, далолатномага биноан бўлиниш (разделительный) балансига ажратилаётган ва расмийлаштирилаётган вақтда кадрлар бўлимидаги шахсий варақаларни топириш ҳам амалга оширилади.

Савол: Молия-бухгалтерия ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича ҳудудий аттестация комиссияси таркиби ва вазифалари асосан нимадан иборат?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 30 октябрдаги 479-сонли буйруғига асосан қуйидагилар тасдиқланди:

- соғлиқни сақлаш тизими молия-бухгалтерлик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби ва аттестациядан ўтказиш графиги;

- вазирлиқнинг марказий аттестация комиссияси таркиби.

Ўқорида кўрсатилган ҳужжатларда комиссия таркиби ва уларнинг вазифалари аниқ кўрсатилган.

Савол: Тугатилаётган бўлимлар ва бухгалтерия хизматида ишсиз қолаётган ходимларни иш билан таъминлаш механизми, ўтиш даврида улар меҳнатига ҳақ тўлаш манбалари қаҳида маълумот берсангиз?

Жавоб: 1995 йил 21 декабрда 161-1-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддаси «Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши тўғрисида»ги бандига биноан, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув асосида компенсация тўланиши ва уларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. (102-модда 2001 йил 12 майдаги 220-11-сон Қонунига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган).

(Давоми 3-бетда).

Фармон ва Қарор ижроси йўлида

Тиббиётдаги нодавлат сектор фаолияти бўйича савол-жавоблар.

Савол: Бугунги кунда республикада тиббиёт соҳасининг нодавлат секторидagi фаолият қандай боҳоланади?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги

ёрдм кўрсатмалари. Галдаги вазифа – ҳусусий секторнинг ривожланишида сон кўрсаткичларига эмас, балки тиббий хизматнинг сифат кўрсаткичларига асосий эътиборни қаратишдан иборат.

Нодавлат секторини ривож-

қомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-700 сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибида “Лицензия бериш ва нодавлат муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси” ташкил этилди.

Ушбу Қарорга асосан Қора-

Савол: Республикада тиббиётнинг нодавлат сектори ривожланиши қандай талаблар ва шартлар асосида йўлга қўйилади?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги “Республикада тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-

фаолият кўрсатиш учун янги ташкил этилаётган тиббий муассасалар замонавий моддий-техник базасига эга бўлишлари шарт, яъни уларда замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Ҳусусий тиббий муассасаларда фақатгина ушбу муассаса штатида турган, тегишли их-

ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ВА МУСТАҲКАМ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

“Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3923-сонли Фармонда белгиланишича, республикада соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳусусий сектор изчиллик билан шаклланимда. 1700 дан кўпроқ юридик шахсларга ҳусусий тиббий амалиёт билан шуғулланиш ва 2100 нафардан кўпроқ жисмоний шахсларга яқка тартибдаги шифокорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилган.

Савол: Соғлиқни сақлаш тизимини ислохотларининг давом этишида нодавлат сектори ривожланишининг қандай йўналишлари белгиланган?

Жавоб: Бугунги кунда республикада тиббиётнинг нодавлат сектори шаклланиб, 3800 дан зиёд ҳусусий тадбиркорлик субъектлари (тиббий муассасалар ва яқка тартибда фаолият кўрсатувчи шифокорлар) аҳолига тиббий

лантириш йўналишида замонавий диагностика ва даволаш усулларига, ўз штатида турган юқори малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган ҳамда аҳолига даволаниш жараёни стандартларига мувофиқ равишда сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган ҳусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга қўмаклашиш, республикада соғлиқни сақлаш тизимидagi ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари қаторида белгиланган.

Савол: Соғлиқни сақлаш тизимидagi нодавлат секторининг бундан кейинги ривожланиши ва тараққиётини мувофиқлаштиришда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вазифаси қандай?

Жавоб: Тизимда нодавлат тиббиёт секторини ривожлантириш билан боғлиқ фаолиятни мувофиқлаштириш, ҳусусий сектордаги фаолият учун лицензия бериш ва ушбу муассасалар фаолияти устидан назорат олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги “Республикада тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни та-

қалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари таркибига нодавлат тиббий муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини назорат қилиш бўйича 2 нафардан бош мутахассислар лавозими киритилди.

Ушбу янги бошқарма зиммасидаги асосий вазифалар тиббиётда ҳусусий сектор фаолиятини мувофиқлаштириш, нодавлат муассасаларига тиббий фаолият учун лицензиялар бериш ва уларда кўрсатилаётган тиббий ёрдм сифатини назорат қилишдан иборат. Бошқарманинг ҳудудий вакиллари зиммасига нодавлат муассасаларида кўрсатилаётган тиббий ёрдм сифатини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Бугунги кунга қадар вазирлик таркибидagi Лицензия бериш ва нодавлат муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси ва тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги янгиланган Низом лойиҳалари тайёрланди.

сида”ги ПҚ-700-сонли Қарориди республикада ҳусусий тиббиёт секторини ривожлантиришда бир қатор мажбурий талаблар ва шартлар белгиланган.

Уларга асосан, ташкил этилаётган тиббиёт муассасалари даволаш фаолиятини фақатгина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланувчи рўйхатга биноан муайян турдаги ихтисос йўналиши бўйича амалга оширади.

Ҳусусий тиббий секториди

тисослик йўналиши бўйича малака тоифасига эга бўлган тажрибали врач-мутахассисларига фаолият кўрсатади. Ушбу ҳусусий тиббий муассасалар ўз диагностика ва даволаш фаолиятини мустақил, ўз имкониятлари асосида олиб боради.

Ҳусусий тиббий муассасалар ўз фаолиятини фақатгина даволаш жараёни стандартларига жавоб берадиган махсус бино ва хоналарда ташкил этишлари мумкин.

Ҳурматли газетхонлар! Ушбу Фармон ва Қарор бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятларида амалий ёрдм кўрсатаётган ишчи гуруҳларининг навбатдаги савол-жавоблари газетанинг кейинги сонларида бериб борилади.

Агар сизда мазкур масалалар юзасидан саволлар туғилса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қуйидаги махсус телефон рақамларига мурожаат қилинг:

144-15-81, 144-10-30, 139-42-18.

Жойларда вужудга келган савол ва муаммолар бўйича жавоблар “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетасида чоп этилиши билан бирга унинг расмий веб-сайти (www.uzss.uz)да эълон қилиб борилади.

Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимидagi амалга оширилаётган ислохотлар мониторингинг» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-умидларини рўйбга чиқариш сингари олий мақсадлар бугун давлат тизим сифатининг бош ва умуммиллий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу шубҳасиз, жорий йилининг “Ёшлар йили” деб эълон қилинишида ўзининг мантаний ифодасини топди. Давлатимиз раҳбари Конституциянинг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида “... фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиши учун майдонни кенгайтириш зарур”лигини таъкидлаганида, бу ишонч кўпроқ оммавий ахборот воситаларининг масъулияти қанчалик муҳим эканлигини кўрсатиб берди.

Шу маънода 2008 йилнинг 28 январь кунини пошта-телекоммуникация Навоий тоғ-металлургия комбинати бизнес марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида “Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 15 йиллигига муносабати билан қилган маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг роли ва аҳамияти” мавзусида Республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул вакиллари, жамоат ва нодавлат ташкилотлар ходимлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари раислари, мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари ва босма нашрлар раҳбарлари, республика ва



ҳудудий нашрлар вакиллари, журналистика факультетлари ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Конференцияда давлатимиз раҳбари маърузасининг мазмун-моҳияти, унда белгилаб берилган устувор вазифаларни чуқур аниқлаш ва улардан қўзда тутилган мақсад-вазифаларни аҳолининг кенг қатламларига етказ-

зиш, бу вазифаларнинг бажарилиши жараёнини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларининг масъулиятини ошириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, тадбирда “Ўзбекистон Республикаси Президенти

Анжуман

ИЖОДКОРЛАР МЕҲНАТИГА ЭЪТИРОФ

Тадбир давомида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан эълон қилинган “Эътироф-2007”, “Менинг Конституциям” танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. “Эътироф-2007” танловининг 2007 йил “Босма нашрларнинг энг яхши веб-сайти” номинацияси бўйича “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетасининг муносиб тақдирланиши, тахририят жамоасини янада юксак шижоат ва куч-ғайрат билан ижод қилишга ундаса, иккинчи томондан сайт орқали газетанинг жамон ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашига туртки бўлади.

Ёш журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қўллаб-қув-

ватлаш борасида салмоқли фаолият юритаётган жамоат фонди ташаббуси билан айни кунда мамлакатимизнинг бир қатор етакчи ахборот агентликлари ва босма нашрлар тахририятлари қoшида маҳорат мактаблари ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, “Маърифат – Учитель Узбекистана” газеталари қoшидаги маҳорат мактабида биринчи ўқув курси якунланиб, унда 17 нафар талаба таълим олди. Шу билан бирга “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳудудий бўлиmlари қoшида матбуот марказлари ташкил этишга қаратилган лойиҳаси Жамоат фонди томонидан қўллаб-қувватланди. Конференция якунида марказнинг ҳудудий бўлиmlарига грант сертификатлари ҳамда маҳорат мактаби битирувчиларига сертификатлар топширилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон журналистлари меҳнатини қўллаб-қувватлаётган ва уларга кенг имкониятлар яратиб бераётган Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг ташкил этилганлигига икки йил тўлиши муносабати билан мазкур жамоани тахририятимиз номидан самимий қўтлаб, уларнинг олиб бораётган фаолиятлари янада раванг топишига тилакдошмиз.

Ўтказилган ушбу анжуман ўҳига хос кўтаринкилик руҳида ташкил этилдики, эндиликда бу ёш журналистлар учун мустаҳкам таянч ва тажриба мактаби бўлишига шубҳа йўқ.

Намоз ТОЛИПОВ.

ЮРАГИНГИЗНИ АСРАНГ!

У ҚАЛҚИБ ТУРГАН ТОМЧИДЕК НОЗИК ВА МУРАККАБ

Тошкент шаҳри бўйича ягона ҳисобланган 17-шаҳар клиник шифохонасидаги шошилич кардиология бўлими мана бир неча ойдири, пойтахт аҳолисига ўз вақтида шошилич тез тиббий ёрдам хизматини сифатли амалга ошириб келмоқда. 30 койкага мўлжалланган мазкур бўлим қисқа вақт ичида қайта таъмирдан чиқарилиб, замон талабларига мос ҳолда жиҳозланди, замонавий кардиоаппаратуралар билан таъминланди.



Хар бир хонанинг кенг ва шинам, етарли шарт-шароитлар билан бойитилгани, бўлим залларидаги таъсирий ойналардан тортиб, бўлим ҳаётини акс эттирувчи фотолавлар ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Чунки, шошилич ҳолда олиб келинган бемор аҳолини назорат

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саҳифадаги мақолалар Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Эътироф

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази қайта таъмирланиб, қўшимча биналар қиритиш ҳисобига бир нечта бўлимларни очиб имкониятига эга бўлди. Марказ 7 та бўлимдан иборат бўлиб, бунда 5 нафар фан доктори, профессор, 12 та фан номзоди, ўттизга яқин олий ва биринчи тоифали малакали шифокорлар ва қўли энгил, зийрак, чаққон ҳамшира-ю, кичик тиббиёт ходимлари 300 га яқин беморларга, шунингдек, функционал диагностика бўлимида ётиб даволанувчилардан ташқари соғликлари текшириш учун келган фўқароларга ҳам тиббий хизмат кўрсатишда.

бўлими ходимлари «тезкорлик ва хушёрлик, масъулият ва хушмуомалаликни» ўзларига дастуриламал қилиб олганлар.

– Юрак хасталиги бошқа касалликлар орасида энг нозик ва мураккаб соҳа ҳисобланади. Чунки, инсон тасодифий юрак инфаркти туфайли бир зумда оламдан ўтиши ёки кутилмаганда юрак-ишемик хасталигига чалиниб қолиши мумкин. Ана шундай бахтсиз ва нохуш тасодифларнинг олдини олиш, кишиларга биринчи шошилич кардиология ёрдамини кўрсатиш мақсадида шифохонамиз бош шифокори Баҳром Шоҳиризов ташаббуслари билан мазкур шошилич кардиология бўлими ташкил этилди. Гувоҳи бўлганингиздек, бўлим октябрь

ойида ўз фаолиятини бошлаган бўлса, шу кунга қадар юрак-ишемик, ўткир миокард инфаркти сингари оғир хасталиклардан бемор ҳаётини сақлаб қолиш кўрсаткичи анча юқорилаб бормоқда. Авваллари ҳам 17-шаҳар клиник шифохонасида режали пуллик кардиология бўлими фаолият юритган. Лекин оғир ҳолда келган беморларларга реанимациядан ташқари ҳолда кардиологик биринчи ёрдам кўрсатилмаган эди. Бош шифокоримизнинг бевосита кўмаги ва ташаббуси туфайли ҳозирги кунда бўлимдаги барча шарт-шароитлар нафақат беморлар учун, балки тиббиёт ходимлари учун ҳам керагидан ортқ тарзда яратиб берилди. Айниқса, кардиореанимация хонасидаги



кардиомонитор, вефобрилятор сингари замонавий тезкор апаратураларнинг мавжудлиги шошилич биринчи ёрдам кўрсатишда асосий омил ҳисобланади.

Бўлимимизда 7 нафар врач, 13 нафар ҳамшира, 8 кичик тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Жамоамиз унчалик катта эмас, лекин иш жойимиз ҳаммамиз учун иккинчи уйимиздек муқаддас ва азиз бўлиб қолган, десам хато бўлмайди, – дейди бўлим бошлиғи Юлдуз Уразбоева.

Юнусобод ва Мирзо Улуғбек тумани аҳолисига хизмат кўрсатаётган мазкур бўлим ҳали бошқа тиббиёт муассасалари таркибида ташкил этилмагани билан алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, оғир ҳолда келган беморни бахтиёр ҳолда оиласи бағрига жўнатиш ҳар бир тиббиёт ходимининг қувончига сабаб бўлса, иккинчи ўринда қилинган ишлар бесама қетмаганидан далолат беради.

Хар қандай дард инсон учун оғир бўлмасин, уни ўз кучи ва иродаси билан енгишга ҳаракат қилади. Айниқса, юрак хасталиги билан озор чеккан одам ҳаётнинг нақадар гўзал ва омонат эканлигини тушунишда, унга қайта жон бахш этган олижаноб инсонларга қандай яхшилик ва миннатдорчилик билдиришни адо эта олмайди. Бу ҳеч шубҳасиз, шошилич кардиология бўлими ходимларининг масъулиятли меҳнатлари билан уйғунлашган бўлса, ажаб эмас!

Сўхбатдош:

Намоз ТОЛИПОВ.

СУРАТДА: бўлим

фаолиятидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

КАСБГА БЎЛГАН МАСЪУЛЛИК ҲИССИ

Маълумки, кейинги пайтларда умуртқалар остеохондрози хасталиги билан касалланган беморлар сони бирмунча кўпайиб бормоқда. Шу сабабли ушбу хасталикни мутахассислар, муаллифлар цивилизация касалликлари қаторига қўйишяпти. Бу борада марказда хасталикнинг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаб, тегишли даво ўтказиш масаласи мутахассисларнинг диққат-эътиборида турган долзарб вазифалардан бири эканлиги хусусида соҳа мутахассислари билан сўхбатда бўлдик.

– Умуртқалар остеохондрози халқ тилида «умуртқа поғонасига тузнинг чўкиши», табиблар тили билан айтганда эса, «умуртқалар тоғай тўқимасининг сункланиши» деб аталади. Умуртқалар остеохондрози касаллигига чалинган беморлар дастлаб узок вақт мобайнида турли мутахассисларда, жумладан, терапевт, ортопед ва невропатологларда



